



Ishonch

Моҳият

Инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган стратегия мамлакатимизга, дунёнинг санокли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

«ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари!

Сиз, муҳтарам меҳмонларни, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни Ўзбекистон заминида самийий кутлаш ва ушбу халқаро конференциядаги иштирокингиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этишга ихозат бергайсиз.

«Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари» халқаро илмий-амалий конференцияси мавзуи — фикрлар ва таҳлил этилаётган ёндашулар ҳамда ушбу муаммоларни миллий, минтақавий ва глобал миқёсда ҳал этиш йўллари бугун дунёда кенг муҳокама этилаётган масалалар эканини инобатга оладиган бўлса — авваламбор, ўзининг долзарблиги билан катта қизиқиш уйғотади, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Шу маънода Инқирозга қарши чоралар дастурларининг миллий даражада ўз вақтида қабул қилинган, инқироз шароити талабларига жавоб бериши, аниқ мақсадларга йўналтирилгани ва самарадорлигини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилиш, мамлакат иқтисодиётини инқироздан кейинги ривожланишнинг бўйича фикр аламиниш, бу борадаги ёндашуларимиз, режаларимиз ва устувор вазифаларимизни танқидий баҳолаш анжуманининг барча иштирокчилари учун, шубҳасиз, гоят фойдали бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилашга доир биз ишлаб чиққан беш тамойилга асосланган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошириб келинаётган иқтисодий ривожланишнинг «Ўзбек модели», шунингдек, чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат макро-иқтисодий барқарорлик, молия-банк соҳасининг барқарор фаолият этиши ва валюта захираларига қўлайлигини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихия таъсиридан ҳимоялаш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам заҳира бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз иқтисодиётимизни, молия ва

банк тизимини ортқича ликвидлик билан пуфлаб шиширмадик, балки, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини кўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратдик.

Кенг кўламли Инвестиция дастурини амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари кўлами ва ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш, шулар ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш, солиқ юкни исчилик пасайтириб бориш, экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар учун зарур преференциялар яратиш каби чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурда белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлди.

Инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган стратегия мамлакатимизга, дунёнинг санокли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, жумладан, sanoat ишлаб чиқаришида 9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоиз ўсди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 25 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Ўтган йили экспорт ҳажми 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий салдоси сезиларли даражада ошиши ва олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади. Инқироз ва жаҳон иқтисодиётининг таназзулига қарамай, мамлакатимизда 940 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди, уларнинг яримдан ортиги қишлоқ жойларда яратилди. Давлат бюджетининг барқарор профицити таъминланди. Ташқи қарз 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли халқаро экспертлар томонидан тасдиқланган прогнозларга

қараганда, Ўзбекистон Республикасида экспорт ҳажмининг ўсиши ва sanoat янада ривожланишига қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2010 ва 2011 йилларда мос равишда 8,5 ва 9 фоиз иқтисодий ўсишга эришилади.

Шу билан бирга, нуфузли халқаро таҳлилчи ва экспертлар таъкидлаётганидек, дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир даври ортада қолганига қарамай, жаҳон иқтисодиёти хали узоқ муддатли ва мураккаб тикланиш жараёнини бошидан кечиришини теран англаймиз.

Аксарият мамлакатларда кескин тебранишлар, кўпгина ҳолларда жаҳон бозорида талабнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши давом этаётгани ва аҳоли турмуш даражасининг етакчи тармоқларда иқтисодиёт рецессиясининг таъқорлиниш хавфи хали-ҳамон сақланиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг камайиши давлат бюджети тақчиллигига олиб келади. Бу хавфли миқёс касб этиб, давлат молиявий ресурслари барқарорлигига таҳдид солади ва ижтимоий кескинлик хавфини келтириб чиқаради.

Айрим мамлакатларда давлат қарзи миқдорининг ортиб бораётгани ҳам ана шу муаммолар билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий ўсишнинг қониқарсизлиги ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилаётган бир шароитда фонд ва хомашё бозорларида индексларнинг ҳаддан ташқари оширилиши ва шиширилиши эътиборни тортади. Бу эса вақти келиб ёриладиган ҳамда молия ва валюта бозорларида янги ўпирилишларга олиб келадиган «пуфаклар» кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Пул эмиссиясининг ортиб бораётгани ва шу тарихда молия-банк секторининг тўлдирилаётгани ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу инфляция жараёнларининг издан чиқиш хавфини юзага келтириши ва иқтисодиётда жиддий номутаносибликларга олиб келади.

Кўплаб таҳлилчиларнинг фикрича, банк секторидоги ортқича ликвидлик оқибатида қатор мамлакатларда иқти-

содиётнинг реал сектори, ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорлик соҳасини молиялаштиришда жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Бу ҳолат иқтисодиётнинг реал секториди баёнотларга қарамай, бундай сиёсат тобора кенг қўлланилмоқда.

Банк тизимиди таваккалчиликлар мезонлари ва бу таваккалчиликларни бошқариш механизмларини аниқлаш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор принципларида давлат аралашувиининг даражаси ва меъёри билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралар ҳамон давом этаётганини ҳам таъкидлашни истардим.

Сақланиб қолаётган ва ўз ечимини топмаётган бундай муаммолар аксарият экспертларнинг жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиш ва инқироздан кейинги ривожланиш жараёни узоқ ва гоят мураккаб кечиши мумкинлиги ҳақидаги қатъий фикрини тасдиқлайди. Шу билан бирга, молия бозориди янги ўпирилишлар рўй бериши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, инқироздан кейинги иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг миллий моделидан бевосита келиб чиқадиган асосий устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат, деб биламиз. Бунда иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилганидан бутунлай воз кечган ҳолда таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспорт таркибиди юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотлар салмогини кескин кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларининг кудратли замонавий тармоқини ривож-

лантиришга қаратилган муҳим стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестицион сиёсат юритиш вазифалари доимий эътиборимизда бўлади.

Фикрини тасдиқлаш учун айрим мисолларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

2010 йилда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга оширишнинг давом этиши ва янгиликларини бошлаш учун умумий ҳажми 3 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилиш ёки унинг ҳажмини ўтган йилдаги нисбатан 30 фоиз, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни 46 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар учун мамлакатимизда энг қўлай шарт-шароит яратиш билан бир қаторда ички ресурсларни ишга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 14 баробар ўсди, бунда инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлар улуши умумий кредит портфелининг қарийб 70 фоизини ташкил этди.

2007 йилда, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция ва модернизация қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш мақсадида тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди.

Бугунги кунда Жамғармада 4,7 миллиард доллардан зиёд валюта маблағлари тўланган.

Ўтган йили мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш дастури тасдиқланди. Бу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан ортиқ 300 дан зиёд лойиҳа киритилган.

Бу лойиҳаларнинг аксарияти бўйича маблағларнинг аниқ манбалари, инвесторлар консорциумлари ва иқро муддатлари белгиланган.

Банк тузилмалари, хўжалик субъектлари ва аҳолини инвестиция жараёнларига кенг жалб этиш ва уларнинг иштирокини янада рағбатлантириш ҳисобидан ички талабни қу-

чайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастури бундай лойиҳалар ижросига яққол мисол бўла олади. Ушбу дастур қишлоқларни замонавий архитектура ва sanoat асосида тубдан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Узоқ истиқболга мўлжалланган ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун кучли лойиҳавий, sanoat-қурилиш, муҳандислик-техник салоҳият ва зарур ташкилий тузилмалар яратилди, рағбатлантириш чоралари ва преференциялари ишлаб чиқилди.

Махсус ташкил этилган банк ва унинг жойлардаги филиаллари орқали 2010 йилда ушбу мақсадлар учун 390 миллион доллар эквивалентда маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда, бу 2009 йилдаги курсаткидан 4 баробар кўпдир. Бунда жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, уй-жой қурувчиларнинг маблағлари 60 миллион доллардан ошди. Барча қишлоқ туманларида умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 7600 дан ортиқ уй-жой қуриш мўлжалланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазукур дастурнинг амалга оширилиши қурилиш билан боғлиқ барча соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларига талабни оширади, ўн минглаб, юз минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Ишончим комилки, форум давомида ишлаб чиқаришнинг ҳулюса ва тавсиялар, шубҳасиз, амалиётда ўз аксини топади ва инқирозга қарши чоралар дастурлари самарадорлигини оширишга кўмаклашади, жаҳон иқтисодиётини инқироздан кейинги тиклаш жараёнида ўзаро ишончли мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Конференция иштирокчиларининг барчасига самарали фаолиятда муваффақият тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Барқарор иқтисодий ривожланиш: Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон миқёсидаги эътирофи

Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг кўламли самараларини, жаҳон молиявий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисоли-

да)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Голлишев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган мақсадларга бериладиган беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб эътироф этилган ислохотларнинг исчилик ва босқичма-босқич амалга оширилиши, пухта ўйланган инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қабул қилинган тўғрилик мамлакатимизда макро-иқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий

ўсиш таъминланганини таъкидлади.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиклолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқи-

миз фаровонлигини янада юксалтириш» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз» мавзуидаги маърузалариди келтирилган қоида ҳамда ҳулосалар ҳам бунга яққол тасдиқлашни алоҳида таъкидладилар.

Миллий иқтисодиётимиз, унинг барча молия институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуқсиз ишлаши учун зарур заҳира яратилгани, бу янада исчилик ривожланиш учун салоҳиятни ошириш, мустаҳкам пойдевор яратишда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)



Барқарор иқтисодий ривожланиш: Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон миқёсидаги эътирофи

(Боши 1-бетда)

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлик сақланиб турибди, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустахкамлаш давом этмоқда, ишлаб чиқариш юксалмоқда, экспорт кўрсаткичлари, жумладан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан оширилмоқда, уни диверсификация қилиш ва етказиб бериш қўлами кенгаймоқда, хорижий инвестициялар жадал суръатда жалб этилмоқда.

Конференцияда таъкидландики, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бар-тараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари томонидан кенг эътироф этилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислохотлар сиёсатининг мантӣқий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ўшбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технология янгиласи Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Анжуманда мазкур чораларнинг амалга оширилиши кейинги икки йилда тижорат банклари ва қўлайлиги икки йилда тижорат банкларининг жами капиталини икки баравар кўпайтириш имконини бергани қайд этилди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси Базел кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар орттиқдир. Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Хўжалик субъектлари учун солиқ юқини имкон қадар пасайтириш чоралари қўрилди. Мамаклатимиз экспортчи корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўсди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга



катта эътибор берилди. Бугун ушбу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг 2008 йилдан муваффақиятли амалга оширила бошлаши Ўзбекистон учун, дунёнинг санокли мамлакатлари қатори, жаҳон инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлаш имконини берди. Мисол учун, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга, мамлакатимизда глобал инқироз салбий оқибатларининг ўз вақтида олдин олиш мақсадида қабул қилинган ва фаровонликни оширишда муҳим омил бўлаётган комплекс чора-тадбирларга оқсак баҳо берди. Конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда Президент Исроом Каримов томонидан белгиланган берилган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари доирасида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодиётни янада жадал юксалтириш, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди, деб ишонч билдирдилар.

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао ўз нут-

қида минтақанинг аксарият давлатлари, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, жаҳон иқтисодий инқирозидан жиддий зарар кўрганни таъкидлади. Ўзбекистонда ноёб инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур инқирозга чалқанча бўлган даврдаги самарали иқтисодий сиёсат, инқироз оқибатлари таъсирини юмшатиш, реал сектор тармоқлари ва ижтимоий соҳани биргаликда ривожлантириш орқали янада тараққиёт этишига қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Президент Исроом Каримов раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ҳаётбахш ислохотлар миллий иқтисодиётга инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Осиё тараққиёт банки қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Бой салохиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси жиддий ўрганишга лойиқдир.

БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси Марказий Осиё департаменти директори Махмуд Аюб глобал инқироз жаҳон миқёсида ижтимоий ривожланишга гоят салбий таъсир кўрсатганини қайд этди. Бунинг натижасида қарийб 240 миллион киши ишидан айрилди, 170 миллион нафардан ортиқ киши қашшоқ бўлиб қолди. Мамлакат аҳолиси глобал инқирознинг салбий таъсирини деярли сезмагани Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши муҳим ижобий натижаларидан биридир. Кучли ижтимоий сиёсатнинг, айниқса, жаҳон инқирози даврида амалга оширилиши гоят оқилона ёндашувдир. БМТ

Тараққиёт дастури келгусида ҳам ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш ҳамда миллий салохиятини ривожлантиришда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайверади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакили Девид Овен конференция иштирокчиларига жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг инқироздан чиқиши тармоқлари ва ижтимоий соҳани биргаликда ривожлантириш орқали янада тараққиёт этишига қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Президент Исроом Каримов раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ҳаётбахш ислохотлар миллий иқтисодиётга инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Осиё тараққиёт банки қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Бой салохиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси жиддий ўрганишга лойиқдир.

Исроом тараққиёт банкни (ИТБ) ривожлантириш бўйича ИСЛО бирдамлик жамғармаси раҳбари Башир Фадлалле ўз нутқида Президент Исроом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бар-тараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида «Янги ўйни кўрмасдан туриб, эҳсисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига босқичма-

босқич ўтишни асослаб берганини таъкидлади. Мамлакатда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар ҳам ушбу мақсадга асосланган. Ўзбекистон дунёнинг 2009 йилда иқтисодий юксалишга эришган кам сонли мамлакатларидан бири бўлгани ИТБга аъзо давлатлар учун катта фахр-ифтихордир. Ўзбекистон ИТБга аъзо бўлганидан буюн мамлакатда 29 та қўшма лойиҳа амалга оширилди. Ҳамкорлик тажрибаси ривожланиш жараёнини янада кучайтириш учун мамлакатнинг қудратли институционал салохиятга эга эканидан далолат бермоқда.

Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лу Брефор глобал инқирознинг Марказий Осиё давлатлари учун макроиктисодий оқибатларига тўхталар экан, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган берилган устувор йўналишлар доирасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим омил бўлишини таъкидлади. Иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича чуқур ўйланган сиёсатни рўёбга чиқариш, пул-кредит тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш натижасида жаҳон инқирозининг миллий иқтисодиётга таъсири деярли сезилмади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон минтақасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш учун реал чоралар кўрган биринчи мамлакат бўлди. Жаҳон банки келгусида ҳам Ўзбекистонни

ушбу комплекс иқтисодий сиёсатни амалга оширишда қўллаб-қувватлашга тайёр.

«Кореан-Эйр» компанияси (Корея Республикаси) президенти ва ижрочи директори Чи Чанг Хуннинг фикрича, Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва унинг асосий объектларидан бири бўлган «Навоий» аэропорти бозор ислохотларининг ўзбек модели самарадорлигига ёрқин мисол бўла олади.

Бу, ўз навбатида, Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёни бирлаштирадиган замонавий Буюк ипак йўлини барпо этишда катта истиқболга эгадир. Утган йили «Навоий» аэропортидан халқаро йўналишлар бўйича қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди ва бу мазкур аэропортни глобал логистика тармоғига интеграциялаштириш имконини берди. Янги юк терминалининг қурилиши йилга 100 минг тоннагача юкни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш имконини берди. Яқин вақт ичида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, шубҳасиз, Евроосиёдаги энг йирик иқтисодиёт марказига айланади.

Конференцияда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Ричард Норланд Ўзбекистон иқтисодиётида ўтиш даврини муваффақиятли бошдан кечирган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади. Бугун Американинг Ўзбекистондаги иқтисодий ва саноатий таъсирини кучайтириш учун энг жозибадор бозор сифатида қайд этмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган америкалик тадбиркорлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Мамлакатда хорижий инвестициялар

ни ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чоралар келажакда уларни мамлакат иқтисодиётига янада фаол жалб қилиш кафолати ҳисобланади.

Нью-Йорк давлат университети (АҚШ) профессори Парвиз Морвижнинг таъкидлашича, Президент Исроом Каримовнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсати самарасида бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари учун иқтисодий ўсиш модели бўлиб хизмат қилмоқда ва у қўлга киритаётган улкан ютуқлари билан халқаро ҳамжамиятга ўз ривожланиш дастурининг самарадорлигини намойиш этмоқда. Ўзбекистон нафақат глобал иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини самарали бар-тараф этиш, балки комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам бошқа давлатлар учун ўрнак бўлмоқда. Бу чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилиши эса келажакда мамлакатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Сўнгра конференция ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига таъсири ва унинг оқибатлари, инқироздан кейин халқаро ва минтақавий даражада ривожланиш истиқболлари муҳокама этилди.

Анжуман якулилари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президент Исроом Каримовнинг маърузаларида белгиланган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг қўллаб-қувватлашга эга экани таъкидланди.

Мазкур халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгиласи бўйича кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштиришга доир тажрибаси аксарият давлатлар учун бугунги кунда ҳамда келажакда барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Мухбиримиз шарҳлайди

Рақамлар тилга кирганда

Янги иш бошлаган ва дунё бозорини харидорбоп маҳсулот билан ишғол этишга чоғланган корхоналардан бири «Дакар-текс»дир. У Ўзбекистон ва Россия инвесторлари иштирокида тузилган бўлиб, йилга 3 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга.

Жомбой туманида туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда йилга 60 минг тонна кальций ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Жомбой жаҳоҳири» корхонаси фойдаланишга топширилган бўлса, Нарпай туманида йилга 100 минг тонна гипс тайёрлаш имкониятига эга бўлган «Афросиёб Гипс» корхонаси ишга туширилди.

Юксалиш ҳамкорликсиз амалга ошмайди, албатта. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳудудий дастури асосида жами 66 та лойиҳа бўйича 37,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада 149,8 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 14,2 млн. долларлиги экспорт қилинди.

Утган йил мобайнида хорижий инвесторлар иштирокида 17 та янги корхона

ташкил этилди. Бундан ташқари, ҳудудий тасарруфда бўлган корхоналар бўйича товарлар ва хизматлар экспорт 83,1 миллион долларни ташкил этади.

Юртимизда изланган, интилган кишига имкониятларнинг барча эшиклари ланг очиб қўйилган. Вилоят бўйича тижорат банклари томонидан 315,8 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган. Жумладан, ўтган йили «Сам универсал текс» корхонасига трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш учун 5 йил муддатга имтиёзли равишда 780 млн. сўм, «Почвон Р» корхонасига шифер ишлаб чиқариш учун 500 млн. сўм, «Юнусжон ойл» корхонасига айланма маблағларини тўлириш учун 500 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Айни пайтда бу корхоналар тўла қувват билан ишлаб, маҳсулот салмоғи ва турини кўпайтиришга улуш қўшиб келаяпти.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бугунги куннинг муҳим вафазиса. Шу боис ҳам вилоятда гўшт ва сүт маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини технологиялар ва ихчам ускуналар ҳисобига 21 та

корхона, 4 та аҳолидан сут қабул қилиш пунктлари ташкил қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 25 та лойиҳа ўзлаштирилиб, жами 163,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ободончилик — фаровонлик рамзи саналади. Инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 80,6 км. газ узатиш, 275,1 км. сув узатиш тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилган. 182,5 км. электр тармоқлари ва 26,7 км. газ қувурлари таъмирланган. Умумий майдони 935,3 минг кв.м. жойлар қурилди. Уй-жойлар қурилишини кўпайтириш, уларни таъмирлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида вилоят бўйича 53 та махсус ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу ташкилотлар томонидан 2 минг нафардан ортиқ қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, ўтган фурсат 14 миллиард 927 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Янги кун янгиликлари

Қаршидаги болалар маданият ва истироҳат боғида «Бўй иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими ва бандлик қўмақлашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 100 га яқин корхона ва ташкилот 1362 та бўй иш ўрни ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркаси

Меҳнат ярмаркасида қатнашган 468 нафар фуқаронинг 284 таси ишга жойлаштирилди. Уларнинг 176 нафари ёшлар, 107 нафари эса хотин-қизлардир. Шунингдек, «Хунарманд» уюмчаси билан ҳамкорликда уста-шоғирд усулида 20 нафар ёшга дурдогорлик, сандиксозлик, тунукасозлик, зардўзлик, наққошлик, каштачилик ва бошқа касблар ўргатилади.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
жамоатчи мухбир

Маргилондаги миллий хунармандчилик коллежи ахборот-ресурс марказида маърифатпарвар шоир Фурқат таваллудини 150 йиллиги муносабати билан «Баҳор ва бахт куйчиси» номли адабий кеча бўлиб ўтди.

Адабий кеча

Унда талабалар шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид билимларини намойиш этиб, баҳор ва ёр васфига бағишланган газаллардан ўқиди. Шунингдек, тадбирда коллежнинг «Нихол» ансамбли ҳаваскорлари ижросида Фурқат газали билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар янгради.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ,
жамоатчи мухбир

Самарқанд вилоятда ўтган йили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги корхоналар ташкил этиш дастури асосида 65 та корхона ишга туширилди. 40 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу юмушларни амалга ошириш учун 28 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилганлиги эътиборга лойиқ.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Пойтахтимизда 12 апрел кuni «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўнлаб мамлакатлардан тўрт юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. УэА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан сўхбатда бўлди.

Сунь ЧЖУАНЧЖИ, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги ШХТ тадқиқотлари маркази Бош котиби: — Глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар, жумладан, ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Бир қатор йирик компания ва банклар таназулга учради. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, инқирозга қарши ўз вақтида амалга оширилган чоралар туйғайли. Ўзбекистон бу бўхрондан деярли азият чекамди. Бунинг ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига иқтисодий ёрдам берди. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши кўрсаткичларини сақлаб қолишига эришгани эътиборга сазовор. Бу ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий таназулини енгиб ўтиш борасидаги тажрибаси, инқирозга қарши амалга оширилган чоралари юксак самаралар бераётгани халқаро экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди. Шунинг қатъий ишончи билан айтиш мумкин, Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурининг энг ривожланган мамлакатларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Жаҳон бозорига талаб пасайиб бораётган бир шартда, Ўзбекистоннинг ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши мамлакат иқтисодий юксалишининг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Бу босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самаралардан иборат.

Редзван КУШЕЙРИ, Малайзиянинг «Seloga Petroleum» компанияси ижрочи директори: — Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини янада ривожлантириш ва халқ турмуши даражасини юксалтиришнинг устувор тамойиллари аниқ белгилаб берилган. Шу боис ушбу дастур молиявий-иқтисодий бўхрондан азият чекаётган кўплаб давлатлар учун ҳам фойдали қўлланма бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда самарали банк тизими шаклланди. Шу боис молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодий бўхрон таъсирини юмшатиши ва бартараф этишга хизмат қилади. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори нефть-газ соҳаси ҳам изчил тараққий этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур соҳада халқаро ҳамкорликка улкан эътибор қаратилади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида хорижий инвесторлар учун яратилган кенг имкониятлар ва қўлайликлар билан танишиб, Ўзбекистонда эркин ва самарали бизнес учун барча зарур шарт шарт мавжуд эканига яна бир бор ишонч хосил қилдим.

Тон СТЕКЕЛЕНБУРГ, Фонтис университетини хузуридаги Халқаро бизнес институти директори (Нидерландия): — Турли мамлакатлардан етук олим ва мутахассисларни бир жойга ўтлаш ушбу конференцияда Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга асос бўлган омиллар, мамлакатингиз учун жаҳон бозорига янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари акс этган иқтисодий дастур моҳияти ҳақдаги тасаввуримизни бойитганимиздан жуда хурсандим.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислотхоти экани, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани тўғрисида йил эгани иқтисодий инқироз шартинида ўзининг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи ошиб бормоқда. Қўллаб-қувватланган мамлакатларнинг етакчи фирмалари компаниялари юртингизга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдиришмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обулли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб тора ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон — сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олим борилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётган. Мамлакатингизда қад ростилаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда узоқни қўллаб юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсатнинг самараларидандир.

Умар ШУОРО, Индонезиянинг Жакарта шаҳридаги Ҳабийи номидаги илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими:

риш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аман АГАРВАЛ, Ҳиндистон Молия институти раисининг ўринбосари, профессор: — Ушбу конференциянинг ташкил этилиши жуда фойдали бўлди. Кўпчиликка яхши маълумки, Ўзбекистон молиявий-иқтисодий инқироз гирдобига тушмади. Мамлакатингиз юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолишига эришгани эътиборга сазовор. Бу ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий таназулини енгиб ўтиш борасидаги тажрибаси, инқирозга қарши амалга оширилган чоралари юксак самаралар бераётгани халқаро экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди. Шунинг қатъий ишончи билан айтиш мумкин, Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурининг энг ривожланган мамлакатларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Жаҳон бозорига талаб пасайиб бораётган бир шартда, Ўзбекистоннинг ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши мамлакат иқтисодий юксалишининг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Бу босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самаралардан иборат.

Фахад АЛ-МЕКРАД, Кувайтнинг Оқибат университети профессори, сиёсат фанлари доктори: — Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон истиклолга эришган илк йиллардан оқилона иш тутиб, «Янги йл қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга асосланган юртдан ижтимоий-иқтисодий сиёсати бераётган юксак самаралар жаҳонда кенг эътироф этилган. Ана шу тамойилга асосланган ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани юксак муваффақиятларда мумкин омил бўлмоқда.

Мамлакатингиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бугуннинг энг долзарб мавзусини кенг ва батафсил акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Қўллаб-қувватлаш тилларида чоп этилган бу асар халқаро ҳамжамиятга катта қизиқиш уялди. Турли мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида ушбу китобга бағишланган кўплаб мақола ва интервюлар эълон қилинганини гувоҳиман. Конференция мавзусига халқаро миқёсда бу қадар катта қизиқиш билдирилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, мазкур анжуман Ўзбекистоннинг бой иқтисодий тажрибасини ўрганишда дунёнинг барча мамлакатлари учун фойдалидир.

Чан МИНЬ хоним, Хитойнинг Халқаро муаммолар институти вакили: — Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистонда банк-молия тизимида узоқни қўллаб амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида мамлакатингиз молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Бунга бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Жаҳон бозорига талаб пасайиб бораётган бир шартда, Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардорлигини таъминлашга улкан эътибор қаратилади. Ўзбекистоннинг акцилинкор дастуринида белгиланган чоралар юртингизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга хизмат қилаётган.

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гузал заминда ҳукм сурётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган маҳаббатли бинолар, мухташам иншоотларингизни кўриб, халқингизнинг меъморий санъати ва бунёдкорлик салоҳиятидан лол қолдим.

Ясуко ГОТО, Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори, «Чу Евроосиё» клуби бош котиби (Япония):

— Бошқа кўплаб мамлакатлар қатори Япония ҳам иқтисодий инқироз даврида кўп қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Мамлакатингизга халқаро бўхроннинг оқибатларини енгилаштириш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиш ва уларни Япония шартинида қўллаш борасида тасвиялар ишлаб чиқиш мақсадида келдим.

Долзарб мавзудаги ушбу халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш мен учун катта шараф. Ушбу анжуман Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, юксак самаралар бераётган акцилинкор дастурини билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлар экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берганидан мамнунман.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга, инсон маънафатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш тарзини янада юксалтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа мамлакатлар учун ҳам

муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилади, дейиш учун барча асослар бор. Жумладан, мазкур дастурда баён этилган солиқ юқини енгилаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга оид чора-тадбирлар амалда ўзининг юксак самараларини бераётгани эътиборга молик.

Шунингдек, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастури қишлоқларни замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шаҳар шартинида яқинлаштириш билан боғлиқ йўналишларда изчил амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Чжао ХУЭЙЖУН хоним, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти вакили:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мазкур асар билан танишар эканман, давлатингиз раҳбарининг узоқни қўла олиш қобилиятини яна бир бор ҳайратга тушдим.

Ўзбекистон ўз йўлбошчиси раҳна-молигида бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич йўлини танлагани, иқтисодиётнинг сиёсатини устуворлиги таъминлиги асосланган иш юритди. Бу гоғ оқилона ёндашувдир. Унинг нечоғли тўғри экани глобал молиявий-иқтисодий инқироз шартинида, айниқса, яққол намойён бўлди. Жумладан, 2009 йили Ўзбекистоннинг янги ички маҳсулоти 8,1 фойз ўсгани жуда юксак натижадир. Инқироз шартинида бундай муваффақиятга эришиш осон эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоя, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилади. Бу ўзининг юксак самараларини бераётган.

Нирмала ЖОШИ, «Ҳиндистон-Марказий Осиё» тадқиқот ҳам-гармаси директори, профессор: — Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вази-фалар — қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш; қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, фермер хўжалиқлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўли-сидра олиб борилаётган кенг қўла-ли ишлар юксак самаралар бераётган. Ислохотларнинг узлуқсиз, босқичма-босқич амалга оширилаётгани сабаб-ли Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мураккаб шартинида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганиш гоғт мумкиндир. Конференцияда ана шундай имкониятга эга бўлганимиздан жуда мамнунман.

Датук Мухаммад Иззат АМИР, Малайзия ишбилармонлари ва саноатчилари уюшмаси президенти, «Emir Holdings» гуруҳи раиси:

— Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида) мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этиш шарафига муассар бўлганимдан хурсандим.

Ўзбекистонга кўп келганман. Ҳар гал келганимда иқтисодиёт, маданият, фан-таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлар ва қўлга қилинган ютуқлардан ҳайратланиман. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гузаллаштириш борасида амалга оширилаётган бекиёс ишларга таҳсин айтса арзийди.

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга, интилувчан ва изланувчан, илмга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажак порлоқ эканига яна бир бор амин бўлдим.

Сунь ЛИ, Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:

— Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган мазкур анжуманда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. Конференция аниқ вақтда глобал иқтисодий бўхрон билан боғлиқ муаммоларга ечим топишда ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Бу борада Ўзбекистон эришаётган юксак муваффақиятлар жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида юртингизда банк ишлари янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилиши рағбатлантириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланган. Из-

чиллик билан амалга оширилаётган ушбу вазибалар бугун юксак самаралар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистонда ўз вақтида ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган бундай самарали чора-тадбирлар бошқа кўплаб мамлакатлар учун ҳам глобал инқироз шартинида қўлланма бўлишига ва у юқори натижалар беришига ишонаман.

Ханс Йоахим КНАУПЕ, Берлиндаги Халқаро иқтисодиёт академияси директори, профессор (Германия):

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу конференция Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, акцилинкор дастури билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатлар экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр алмашиш имконини берди. 2009 йили мамлакатингизда шу мавзуда ўтказилган йирик халқаро анжуманда иштирок этиб, ўзим учун жуда зарур маълумот ва янгиликларга эга бўлган эдим.

Ўзбекистоннинг гоғт мукамал, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бўхрон шартинида иқтисодий ислохотларни қамраб олиш борбаринда, келгусида — инқироздан кейинги даврда ҳам тараққий сари элтувчи муҳим устувор йўналишларини, чора-тадбирларни акс эттирган. Унда белги-ланган вазибалар қўлланма мамла-катлар учун истиқболли дастур сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Кольм ФОЙ, Иқтисодий ҳам-корлик ва ривожланиш ташкилоти Тараққий марказининг «Қора денгиз ва Марказий Осиё ташаббуси» дастури мувофиқлашти-рувчиси (Франция):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йиллардаги жадал ва барқарор ривож мамлакат танлаган тараққий моделининг ҳаётий ва са-марали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръа-ти, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг таркибий янгилаш, экспортни диверсификация қилиш, изчил жалб қилинган хорижий сармоя миқдорига ҳам яққол намойён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнат олса арзийди. Бундай изчил чораларни ўз вақтида амалга оширган Ўзбеки-стон глобал иқтисодий инқироз шартинида деярли зарар кўрмади.

Роланд ХЕРТРИХ, Амалий фанлар университети профессори (Германия):

— Бугун дунёда долзарб муаммо бўлиб турган иқтисодий инқирозни бартараф этиш ва иқтисодиётнинг янада ривожлантиришга бағишланган ушбу анжумани ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юксак сиё-сий ва иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат эканини яна бир бор на-моён этди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида таназулга қарши курашиш чора-тадбирлари ва иқти-содий барқарорликка эришиш йўл-йўриқлари ёрқин акс этган. Бу дастур қўллаб мамлакатлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши шуб-ҳасиз.

Университетимиз Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан яқиндан ҳам-корлик қилиб келади. Ўзбекистон ёшларининг улкан интеллектуал салоҳиятга эга эканини алоҳида та-ъкидлашни истардим.

Дхарам ВИР, «Agio Investment» компанияси директори, «Pajero» компаниялар гуруҳи президенти (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда барча соҳалар жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, авиасозлик ва авиаташувлар-нинг юксак ривожини қайд этиш ўринли. Авваллари Ҳиндистонда Ўзбекистонга бошқа мамлакатлар орқали келар эди. Бу кўп вақт ва маблағ талаб этарди. Ҳозир Ҳинди-стондан Ўзбекистонга келиш учун атиги 2-3 соат вақт етарли.

Мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳавас қилса арзигulik дара-жада барқарор ривожланмоқда. Со-ҳага илгор ва замонавий техноло-гиялар, янги инновацион гоғлар фаол жорий қилинганга ва бу бо-рада халқаро ҳамкорликни ривож-лантиришга катта эътибор қарати-лаётгани мазкур жаҳонда изчил тара-ққий этишига хизмат қилмоқда.

Майкл ПАЛАСАВАС, «Parasolvas Group» компанияси президенти (Греция):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунёнинг қарийб барча мамлакатлари оғир қийинчиликларни бошдан кечирмоқ-да. Шундай мураккаб шартинида гло-бал иқтисодий инқироздан деярли азият чекамган Ўзбекистоннинг бой тажрибасини ўрганиш кўпчилик учун жуда фойдалидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон иқтисодий бўхрондан зиён кўрмагани барча соҳалар фаолиятини яққол кўзга ташланади. Жумладан, ахборот технологиялари ва банк-молия тизимида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бунинг ёрқин намунасидир. Бу соҳаларда

мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Юртингизда иқтисодиётнинг барча йўналишлари барқарор ривожланиб, халқнинг турмуш даражаси юксалиб бормоқда.

Нейл ЛИВИНГСТОН, «Executive Action» компанияси бош ижрочи директори (АҚШ): — Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор амин бўлдим. Бу мамлакатингиз раҳбариятининг молиявий инқирознинг олдини олиш мақсадида стратегияни тўғри ишлаб чиқгани туйғайлидир.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, хусусий тадбиркорлик борасида ҳам ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкония-тлари катта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинида уни бар-тараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби америкаликларда ҳам катта қизиқиш уйғотгани алоҳида таъ-кидлашни истардим.

Хельмут Крунес, «KRK» кури-лиш-саноат компанияси раҳбари (Австрия):

— Кўплаб мамлакатларнинг таниқ-ли олим ва мутахассислари, бизнес одамлари иштирок этган ушбу кон-ференция жуда самарали бўлди. Унда Ўзбекистоннинг глобал молия-вий-иқтисодий инқироздек жиддий офатни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари хусусида батафсил фикр алмашилди. Айтишим керакки, мамлакатингиз иқтисодий инқироз-дан ҳеч қандай зарарсиз чиқишга му-ваффақ бўлди. Бу эса Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар вакиллари Ўзбекистоннинг Инқироз-га қарши чоралар дастури бераётган самараларни юксак баҳолади. Ушбу дастурда инқироздан кейинги ривож-ланишнинг устувор йўналишлари ҳам акс этгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда курилиш соҳаси жа-дал ривожланиётгани алоҳида қайд этишни истардим. Бу шаҳар-қишлоқ-ларингизнинг таниб бўлма даражада ўзгариб бораётган қиёфасида — ул-кан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

Танверверди ПАША, Иқтисоди-ёт институти бўлим мудири (Озарбойжон):

— Юртингизда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликни ривожланти-риш, ишбилармонларга қўллаб им-тиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бундай юксак эътибор мамлакатин-гиз иқтисодиётининг муттасили ривож-ланишида муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз.

Ўз вақтида қабул қилинган ва из-чиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонга иқтисодиётини барқарор ривожлантириш имконини берди. Мамлакатингизда, айниқса, хориж сармоясини кенг жалб этиш ва қўшма корхоналар сонини қўпайтиришга қаратилаётган доимий эътибор ва унинг самаралари таҳсинга лойик.

Андреас АНДРИАНОПУЛОС, АҚШ коллежи қошидаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институти директори (Греция):

— Конференция жуда самарали бўлди. Унда глобал молиявий-иқти-содий инқироздек жиддий муаммони бартараф этишда Ўзбекистон из-чиллик билан амалга ошираётган чора-тадбирлар ва уларнинг юксак самаралари хусусида фикр алма-шилди. Ўзбекистонда иқтисодиётини ривожлантириш борасида амал-га оширилаётган изчил ислохотлар халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамия-тидаги ўрни янада мустаҳкамланиб, иқтисодиёт соҳасидаги нуфузи ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингизда хорижий сар-моядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун катта қўлайликлар яратилган. Яратилган турли имтиёз ва имкониятлар грециялик ишиби-лармонларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк дав-лат университети фалсафа ва иж-тимоий фанлар профессори (АҚШ):

— «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари давлатингиз раҳба-ри Ислам Каримовнинг етук иқти-содчи ва буюқ йўлбошчи эканлигини яна бир тасдиқлади. Мамлакатингиз раҳбарининг узоқни қўллаб юрита-ётган оқилона сиёсати боис Ўзбеки-стон халқаро иқтисодиёт бўхрондан деярли азият чекамди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қийин-чиликларни бартараф этиш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган Инқирозга қарши чора-лар дастури бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим дастурамал бўла оли-шига катъий ишонаман.

<



2010 йил — Баркамол авлод йили

Жамият тараққиётида малакали мутахассисларнинг ўрни алоҳида. Шу боис мамлакатимизда етук кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2003 йилда Амударё туманининг Йўлдош Ҳўрозбоев номи фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидая янги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилганини дўрманликлар мамнуният билан қабул қилишди. Бонси, қишлоқ аҳли азалдан миришкор дехқон ва боғбон сифатида анчайин машхур.

Эртадан умидимиз катта

Мана, олти йилдирки коллежимизда ёшларга билим бериш, касб-хунар ўргатиш жараёни қизиб олиб боришмоқда. Хозир бу ерда уларга 10 йўналиш бўйича таълим-тарбия берилаяпти. Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги махсуслотларини қайта ишлаш ҳамда технологиялардан фойдаланишга доир мутахассисликлар қаторида бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти мутахассислари тайёрлашга ҳам киришилди.

ши учун барча шароит муҳайё. Хусусан, замонавий услубда жиҳозланган кимё, физика лабораториялари, лингафон, компьютер хоналари ёшлар хизматида. Узоқдан қатновчи ўқувчилар учун 100 ўринли ётоқхона мавжуд. Спорт зали, тринажёр зали, ошхона, кутубхона ва ўқув заллари доимо ўқувчилар билан гавжум.

мини цех жиҳозлари келтирилди. Бу билан туманда қишлоқ хўжалик махсуслотларини қайта ишлайдиган дастлабки ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Айни пайтда цехимиз самарали фаолият олиб бормоқда. Бу бизга иқтисодий имкониятларимизни янада кенгайтириш, ўқувчиларга касб-хунар сирларини чуқур эгаллаш имконини бериб-гина қолмасдан, боғбону фермерларга етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан сотиш, аҳолига эса юқорида номлари зикр этилган махсуслотларни янада арзон нархларда харид

қилишлари учун имкон бермоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик мутахассисликлари ва касб-хунар йўналишлари бўйича амалиёт ишларини олиб бориши учун ўн гектардан иборат ўқув-тажриба ва амалий ишлар даласи мавжуд. Бу ерда ҳар йили пахтадан мўл ҳосил хирмони кўтарилаётир. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши, таълим тизимида эса жорий ўқув йилининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили» деб аталиши, зиммаимизга алоҳида масъулият юкляпти. Иккала ном бир-бирига уйғун. Маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига эътиборни янада қучайтирашми.

Тафаккур увоғи

Бир танишим «Мана шу газетани олинг, китобларингизни ўқиб тураман. Тафаккурнинг увоғи ҳам увол бўлмасин» дея қўлимга газета тутказганида, хайрон бўлдим. Ундаги айрим сатрлари остига қизил чиқиқ тортилган мақолага кўзим тушди. У «Ерғу хибон» рўкни остида берилган америкалик адиб О.Мандинонинг мушоадаларга бой мақоласи экан. Яхши ашаш сирлари таҳлилга доир баъзи фикрлардан, келинг, биргаликда баҳраманд бўлайлик.

«Ибратли ҳикоятлар» туркумидан

«Бугундан бошлаб ҳаммага — дўсту душманга, танишу нотанишга — гўё улар ярим тунда оламдан ўтадигандек муносабатда бўлинг. Учрашувингиз нечоғли қисқа бўлмасин, одамларга бор муҳрингиз, эътиборингиз ва муҳаббатингизни беринг. Бунга чин дилдан, бегараз қилинг. Шунда ҳар кунингиз байрамга айланади.

Адиб фикридаги тинчлик ва уйғунликдан кўнглимда ажиб бир қониқшни ҳис этдим. Уша менга газета ҳада этган, кўринишдан камусуқ, одмигана туолган киши туйғусидаги қониқликка ҳавасим ортди. Биламан, азиз муштарий, гўзаллиқни, эзулиқни хуш кўрасиз. Ҳаётингиз шодликда ўтишини хоҳлайсиз. Яна фарзандларингизнинг билимдон, ўқимишли бўлишини ҳам. Шундай экан, мисқол бўлса-да, тафаккурингизга нур улашувчи фикрлар битилган китоб ва газеталарни кадрлашни болаларингизга ҳам уқтириб бориңг. Кичик-кўк бўлса ҳам шахсий кутубхонанинг мавжудлигига не етсин.



«Очил дастурхон»га марҳамат!

Ҳиди димокни қитқилаб, чиройи билан кўзни қувнатган, ҳар боққанда «мени е» дея чорлаётган таомларга тўла очил дастурхон бу гал бизнинг тахририятда ёзилди. Келинг, қўлоғингизга очил дастурхоннинг бир синрини айтиб қўйай: бу сафар эртақдагидан сал бошқачароқ бўлди. Қандай қилиб дейсизми? Тахририят бекалари ҳамда ижодкор бекаларнинг пазанда бегойимлари «дастурхонни очишди-ю ичидигани сочишди». Караб-сизки, «Баҳор таомлари» танловида голиблик учун сума-лагу филминди, чучвара-ю манти, варақи-ю тандир сомсалар «бел боғлаб» курашга тушишди. Дарвоқе, йўл босиб танловга етиб келган Кўкон патир Хоразмники билан жуда апок-чапоқ бўлиб кетди чоғи, дастурхонда ялғ ёнди-я!

Унинг жуқма, тарпик каби номлари ҳам бор. Супра бошида қилинган ниёт ижобат бўлади дейишади. Шунинг учун юртимиздаги тинчлик, жамоамиздаги аҳиллик ҳам шу таом янглиғ боқий бўлсин деб ниёт қилдим. Ҳа, бу ердаги тотимли таомларнинг барчаси ана шундай эзгу ниёт билан тайёрланган. Шунинг учун бири-ни иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Ҳакамлар ҳайъати номидан сўзга чиқаркан, ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Наима Жабборова ҳам бунга алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундай қилиб, қўлигул аёлларимизнинг барчаси голиб-ликка улади. Илиқ сўзлар айтилди, дилтортар қўшиқ даврага фойа киритди. Ва ниҳоят... Удумларимизга бионод дастурхон бошидан фотиҳасиз туришмайди. Фотиҳа эса фақат яхшилик, омонлик сўраш учун бир имконият. Бу кутлуг дуо учун аввало оиланинг катта-

Баҳор ташрифи сабаб табиату инсонлар эмас, дастурхонлар ҳам йўрқу тароватга тўлик бўлади. Наврўз арафасида кимнинг уйига борманг, тўкин дастурхон устидан чиқаврасиз. Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган вақтда табиат ўз неъматларини билан жонга оро қиради. Шунинг учун бўлса керак, кўкларнинг ҳар таомида мўъжаз ҳикмат яширин. Бу ҳикматни унинг мазасидангина эмас, қувватидан ҳам топаверасиз.

си қўл очади. Бу анъанадан олдин муҳаррир Абду-холик Абдуразоқов бугунги тадбир мақсадини яна бир бор ёдга олди: — Бир мақсад сари инти-лиш кўнглиларни яқинлаш-тиради. «Баҳор таомлари» танловидан ҳам шундай эзгу мақсад кўзланган эди асли-да. Зеро, халқимиз бежиз оила мустаҳкамлиги учун бир қозондан, бир товқондан ош ейишга алоҳида эътибор бермаган. Оддийгина шу ҳолат ҳам инсон кўнглида бағрикенглик, мурувват ва меҳрини пайдо қилади. Ҳамма гап уни мустаҳкам риштага айлантира олишда. Ришталаримиз боқий бўлсин! Имкониятдан фойдаланиб, биз ҳам сизга кўнгли-миздагиларни илдиндик. Ахир айтишадиларки, бугудой нонинг бўлмаса ҳам бугудой сўзинг бор бўлсин! Дастур-хон кутлуғи, нон азизли-ки, сумалак боқийлиги, ис-малок қуввати-ю ялғиз дил-барлиги ҳар кўнглига ёр бўлсин!

Дилдора РАҲМОНОВА

Саломатлик сабоқлари

Халқимизнинг миллий таомлари орасида мошқичи-ю мошхўрданинг ўзига хос ўрни, бетакрор таъми бор. Аслида мошни таърифлашга ҳожат бўлмас-да, унинг шифобахлиги борасида билганларимизни баҳам кўраемиз. Мош дуккадошларнинг капалақгудошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Унинг Эрон, Хитой ва Хиндистон моши каби турлари бор. 6 минг йил олдин истеъмол қили-

на бошланган бу неъматнинг ватани — Осиё. Мош таркибида оксил, ёғ, крахмал, дармондорилар, микромаъданлар бор. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ушбу неъмат ҳақида шундай ёзган: «Нерв орғиларида мошни зуамдан олинган шароб билан ва заъфрон қўшиб қайнатилган шароб билан аралаштириб, қўйиб боғлан-са, айнисқа, фойда қилади. Узилиш ва эзилишларда ҳам қўйиб боғланади... Ҳинд моши зигир уруғига ўхшайди, аммо ундан бироз каттароқ ва

қорамтирдир. Ҳиқичокни тўхтади. Юрак ва қовуқдаги Мош толларни майдалайди. Ични бўшатиш учун яхшидир... Мош ясимқ дониға нисбатан

Белбоғли кураш



— Мамасоли ака, тарихга айланиб улгурган 2009 йил вилоят кураши ҳаётида қандай из қолдирди? — Режалаштирганимиздек, курашни янада ривожлантириш, тарғибот-ташвиқот ва ёшлар ўртасида омалаштиришда бир қанча ишларни амалга оширишга улгурдик. Хусусан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан барча шаҳар ва туманларда анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ҳоким кубоги

Андижонда курашни севишади

Андижон вилоят миллий кураш федерациясининг ижрочи директори Мамасоли Исмоилов билан суҳбат

учин белбоғли кураш ва кураш мусобақаларини олиб кўрайлик. Янги-янги истеъдод соҳиблари кашф этиляпти. Оммавийлик ҳам ортиб бораётир. Бундан ташқари, марҳум полковларнинг хотираларига бағишланган турнирлар ҳам эзгу мақсадларимизга



хизмат қилмоқда. Ана шу ва бошқа мақсадлар йўлида 2009 йил давомида 27 марта белбоғли кураш мусобақалари ўтказилган бўлса, 18 мартаба кураш тадбирлари ташкил этилди. Умуман олганда, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақвим режасига киритилган барча тадбирлар жойларда юқори савияда ташкил этилди.

— Халқаро майдонларда андижонлик полвонларнинг иштироки қандай? — Хабарингиз бор, ўтган йили Тошкент шаҳрида анъанавий спорт турлари бўйича Бутунжаҳон спорт фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивал доирасида ЮНЕСКО ташкилоти раҳнамолигида уюштирилган белбоғли кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатида андижонликлар ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни банд этишди. Мазкур фестивалда зафар қучган вилоят терма жамоаси вакиллари тўртта олтин, жаҳон чемпионатида 4 та олтин, 4 та кумуш, 13 та бронза, Осиё чемпионатида 4 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза, ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эса 1 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ветнамда ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларида 2 та олтин медал андижонликларга насиб этгани ҳам қувонарли ҳол.

— Жорий йилдаги режалар хусусида тўхталиб ўтсангиз? — Тақвимга кўра, жами ўттизга яқин турли мусобақалар уюштириш режалаштирилган. Ушбу тадбирларни белгиланган муддатда ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Кези келганда, вилоятда халқаро тоифадаги спорт устаси ва ҳакамларни мусобақаларга тайёрлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлашни истардим. Энг муҳими, Андижонда бугунги кунда 15 дан ортиқ спорт аренаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси вилоят миллий кураш федерацияси ва жойлардаги ҳокимликлар ташаббуси билан замон талаблари даражасида таъмирланган. Бундан ташқари, халқ сайиллари, тўй курашлари ҳам белбоғли кураш мусобақалари ўтказилиши ёшларнинг соғлиқларини тиклаш ҳамда спортга янада кенг жалб этишга хизмат қилмоқда. Мамасоли ака қарийб қирқ йилдан буюв спорт соҳасида меҳнат қилиб келади. Яқинда у кишининг етмиш ёшли юбилей тўйи нишонланди. Шу муносабат билан Андижон вилоятининг Миробод қишлоғида катта кураш сайли уюштирилди. Унда Қирғизистон, Тожикистон ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган номдор полвонлар, жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари гиламга қиқишди. Бундан ташқари, кураш оламида эл оғзига тушган кураш усталари ҳам бу сайилдан четда қолмади. Йилгиланлар Мамасоли аканинг шу пайтгача спортда амалга оширган эзгу ишлари, хусусан, курашнинг янада ривожланиши йўлидаги заҳматли меҳнатларини тилга олиб, у кишининг бундан кейинги фаолиятига ҳам зафар ёр бўлишини тилашди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of board members.

Advertisement for 'Yatganlarning oxirati obod bulsin' (The end of the dead is a blessing), featuring a list of names and contact information.